



20 20 у « 1 » июль № Қ-299 « » 20 г.

Денов тумани А.Каримов массиви худудида фаолият юритаётган “Оятулло-Умидулло-Иноятулло” боғдорчилик-узумчилик фермер хўжалигига замонавий иссиқхона қурилишига рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/358-сон йиғилиш баёни ва Денов тумани ҳокимининг 2020 йил 20 майдаги 01-36/535-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/358-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Денов тумани А.Каримов массиви худудида фаолият юритаётган “Оятулло-Умидулло-Иноятулло” боғдорчилик-узумчилик фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш тармоғини кенгайтириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш мақсадида ихтиёридаги қишлоқ хўжалик харитасининг 180қ-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги 44,0 балл бонитетли 1,0 гектар самарасиз боғ ер майдонига замонавий иссиқхона қурилишига рухсат берилсин.

3. “Оятулло-Умидулло-Иноятулло” боғдорчилик-узумчилик фермер хўжалигининг бошлиғи К.Бобоназаровга:

рухсат берилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланилганда рухсат берилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Денов тумани ҳокимлиги (Б.Ибатов) рухсат берилаётганлиги муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими **DEVONXONA**

Т.Боболов

